



# Халқ сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

7 февраль, сешанба, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 27 (1029)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

6 февраль кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерациясининг Волгоград вилояти маъмурияти раҳбари Иван Шабунин бошчилигидаги вилоят делегацияси аъзоларини қабул қилди.



СУРАТДА: қабул пайти. Р. НУРИТДИНОВ олган сурат (ЎЗА).

Ислам Каримов йирик саноат марказига айланган ушбу вилоят билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун фойдали бўлишини айтди. Волгоград корхоналари билан савдо-сотиқни ривожлантириш, ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш халқларимиз манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Иван Шабунин самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этар экан, волгоградлик тadbиркорлар Ўзбекистон билан кенг ҳамкорлик қилишга интиломда, де-

ди. У вилоят саноатида ўзбек пахтасига эҳтиёж катта эканини қайд этиб, волгоградликлар Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги учун зарур техника воситалари, нефт ва газ саноати учун асбоб-ускуналар етказиб беришга тайёрлигини билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов ва Ю. Пайгин иштирок этди.

ЯНГИЛИКЛАР \* ФАКТЛАР \* ВОКЕЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва УЗА мухбирлари хабар қиладилар

#### ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Андижон вилоятидаги «Облақхострой» трести эндиликда «Андижонжамоа фермерлоиҳақуриши» ширкатлар бирлашмасига айлантирилди.

#### «ТУРОН» ХОРИЖГА ЧИҚМОҚЧИ

Термез туманидаги «Турон» ўзбек-турк қўшма корхонаси махсулот бера бошлади. Ҳозир бу ерда жаҳон бозори талаблари даражасида гилам тўқияпти.

#### «САХОВАТ» ХИЗМАТИ

Жиззах вилоятининг Бахмал тумани қишлоқларида истиқомат қилаётган нафақахўрлар, меҳнат фахрийлари «Саховат» корхонаси хизматидан баҳраманд бўлмақда.

#### «ОКСОСАН» ТЕРАК ЭКАДИ

Халқаро «Экосан» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими «Тошкент — Чиноз» автомобиль йўлининг икки чеккаси бўйлаб қарий 50 километр масофада теракзор барпо этиш ташаббуси билан чиқди.

#### КЎП НАРСА УСТОЗГА БОҒЛИҚ...

Қарши шаҳридаги 5-ўрта мактабнинг математика фани ўқитувчилари Муҳаббат Шаронова ва Раъно Содикова ҳали мактабни ислоҳ қилиш фақат оғизда, қозғода бўлган 1985 йилдаёқ олиб югуриб ўз соҳалари бўйича махсус синф ташкил қилинган эди.

#### «ЭЛЛАРИМ БОРДИР»

Шу йил баҳорда қорақалпоқ мумтоз адабиётининг йирик вакили Ажипнинг 170 йиллиги кенг нишонланади.

#### «ХАЛҚ СЎЗИ» МУХБИРИ

Х. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Иордания Хошимийлар подшолиги халқи ва ҳукумати мен билан биргаликда Сизга, жаноби олийлари, энг самимий, эзгу тилакларини йўллайдилар.

Илоҳо ушбу муқаддас ой мамлакатингизга ва бутун мусулмон миллатига бахт-саодат, тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик келтирсин.

Хусайн ибн ТАЛОЛ, Иордания подшоси.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари, Янги йил муносабати билан Сиз йўллаган мактуб ва эзгу истаклардан гоят миннатдор бўлдим.

Шу унутилмас кунларда Сизга самимий миннатдорлигимизни изҳор этиш ва шахсан ўзингиз, шунингдек Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва равнақ тилаш бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Камоли эҳтиром ила

Ҳасан II, Марокка подшоси.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Рамазон ойи билан табриклар йўллаган мактубингизни олиб мамнун бўлдим. Менинг ҳам табригимни қабул қилгaysиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланишига аминман.

Кези келганидан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам сўхат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Оллоҳдан Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик ато этишни илтижо қиламан.

Камоли эҳтиром ила,

Профессор Бурҳониддин РАББОНИЙ, Афғонистон Ислам Давлати Президенти.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мусулмон халқлари муқаддас Рамазон ойи кириб келганлигини нишонлаётган давларда Сиз жаноби олийларига шаҳсан ўз номидан ҳамда Тунис ҳукумати ва халқи номидан самимий табрикларимни йўллашдан бахтиёрман.

Оллоҳдан Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик ато этишни илтижо қиламан.

Зайн ал-Обидин ибн Али, Тунис Республикаси Президенти.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

##### Ш. ШОҲАЛИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шомансур Шохалилов Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1995 йил 6 февраль.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

##### Ш. ШОҲАЛИЛОВГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ДИПЛОМАТИК МАРТАБАСINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Шомансур Шохалиловга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1995 йил 6 февраль.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

##### А. Т. ЖАЛИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТУРКМАНИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Абдулаҳат Туропович Жалилов Ўзбекистон Республикасининг Туркменистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1995 йил 6 февраль.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

##### Г. А. ПУГАЧЕНКОВНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик филокорона меҳнати, илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг етакчи илмий ходими, академиги Галина Анатольевна Пугаченкова «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1995 йил 6 февраль.

### • Хабарлар оқимидан

#### «КЎРИНМАС ДАРЁ» — ТЎХТАМАС

Соатига 39-40 миллион киловатт энергия ишлаб берадиган Тошкент туман давлат электр станциясининг биринчи блокти бундан ўн икки йил олдин ўрнатилган эди. Турмушнинг барча жаҳасини қаҳрабо энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайдиган айни дамда станцияларнинг тўхтовсиз ишлаши қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги ҳаммага маълум. 1200 кишидан ортиқ жамоа шу ҳақиқатни ту-

қунтилгадигдек уудаланади.

#### «НАВРЎЗ — ХАЛАН»НИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИ

Бундан икки йил олдин Тошкент агрегат заводларининг қурилиши тугалланмаган корпусини ижарага олиб иш бошлаган «Наврўз-Халан» ўзбек-хитой қўшма корхонаси бутунга келиб икки сменада 500 жуфт пойабзал чиқара оладиган қувватга эришди. Албатта, корхонанинг юзага келиши икки томондан ҳам анча куч-ғайрат талаб қилди. Хитойнинг Енбек савдо-саноат палатаси

билан металлургия саноати ва қурилиш ашёларини экспорт ва импорт қилиш компанияси қарийб бир ярим йил музокаралар олиб борди. Мутахассислар шароит ва имкониятлар билан обдон танишилдилар. Ускуналарни ўрнатиш узок вақт талаб қилмади.

Ҳозирча пойабзаллар чиқараётган корхона цехларидан яқинда пайпоқлар, ҳатто қандалот маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш кўзда тутилмоқда.

Х. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### • Истиқлол мевалари

#### ФЕРМА ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ТАСАРРУФИДА

«Галлақудуқ» давлат хўжалиги ўтган йили давлатга 2876 тонна сўхат топширди. Бунинг 70 тоннадан кўпрогини Зуфар Маматов бошқараётган бурдоқчилик пункти чорвадорлари етиштирилди.

Бугунги кунда бурдоқчилик пунктида 245 бош қорамол боқилмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган Мирзаали Маматов, Холтурсин Оқсўчқоров, Дусинбой Курбонқулов ва Қаршибой Баратовлар ўзлари парваришланган новвосларни ҳар кун 600-650 граммдан семиртиришга эришмоқдалар. Бурдоқчилик пунктида олти-етти ой давомида молларнинг ўртача вазни 650-700 килограммга етказилди ва шундан кейингина гўштга топширилди.

Аваллари «Галлақудуқ» давлат хўжалиги чўчкачиликка ихтисослашган бўлиб, бу ерда қорамолчилик ривожланмаганди. Хўжаликда бурдоқчилик фермаси ташкил этилиши ташаббускори собиқ директор Г. Гриненко бўлган. У бу вазифани Зуфар Маматов зиммасига юклди. Эски молхона таъмирлангач, аввалга 30 бош бузоқ беришди. У ака-укаларини ёнига олди. Ушунда эрта қўжам эди? Хўжалик берган ёрдам туғайди 5 гектар ерга озуқабоп экинлар экишди. Йил

охирига бориб бузоқларнинг 17 боши семиз новвосга айланди. Қолганини хўжаликка сотишди. Семиртирилган моллар ҳам 3,5 тонна гўшт ҳисобига хўжалик иختиёрига утказилди. Кейинги йили яна 100 бош бузоқ парваришланди. Икки йилнинг нари-берисиде «Галлақудуқ»нинг бурдоқчилик фермаси бўлиб ростилади. Бурдоқчилик пунктида биринчи йили атиги 3,5 тонна гўшт етиштирилган бўлса, 1992 йилда 23 тонна, кейинги йили 35 тонна, ўтган йили эса 70 тоннага етди.

— Бундай катта ютуққа қисқа фурсатда қандай қилиб эришилди? — сўраймиз Зуфар Маматовдан.

— Кеча-қундуз тиним билмай ишладик. Қўшни хўжаликларнинг фермаларига бориб, мутахассисларни таклиф қилдик, ветеринарлар билан ҳамжиҳатликда меҳнат қилдик. Натижанда қорамолчиликнинг сирларини анча эгаллаб олдик. Бурдоқчилик пунктига кирган киши бу ерда молхона, деб ўйламайди. Ҳаммаёқ озода, сарамжон-сарништа. Чунки ферма чорвадорларнинг тасарруфида. Моллар учун ема-хашакни ҳам ўзлари жамғаришди. Бу ерда бир килограмм гўшт етиштириш атиги 9,6 сўмга тушапти. Фақат ўтган йилнинг ўзида ферма ишчилари 2,5 миллион сўмдан кўпроқ даромад қилишди. Унинг бир қисми молбоқарларнинг киссасига тушди, бир қисми эса

### ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Югославия Иттифоқ Республикаси Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида эришилган аҳдномага мувофиқ 1995 йил 18 январдан бошлаб иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўбаси.

### ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Югославия Иттифоқ Республикаси Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида эришилган аҳдномага мувофиқ 1995 йил 18 январдан бошлаб иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўбаси.

Ўзбекистон ва жаҳон

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Қисқа муддат мобайнида давлатчилик тизими шакллантирилди, дунёдаги кўплаб давлатлар билан дипломатик ва иқтисодий алоқалар ўрнатилди. Айниқса, бозор муносабатларига ўттиш жараёнида йирик давлатларнинг бой тажрибасидан, чет эл инвестицияларидан самарали фойдаланиш тўғрисида республикамиз иқтисодиётида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Маълумки, ҳозир республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. 1994 йил 16 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Иқтисодий ислохот, талбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашининг навбатдаги мажлисида юртбошимиз бу жараёнда урта асосий масалага алоҳида аҳамият бериш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Биринчиси — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги ишларни охирига етказиш, иккинчиси — иқтисодиётнинг таркибини кескин ўзгартириш, яъни хомашё эмас, тайёр маҳсулот чиқаришга ўтиш, унинг сифати ва рақобатбардорлигини дунё бозори талабларига жавоб берадиган ҳолга етказиш. Ҳозирда дунё бозорига 25 миллиарддан ортиқ турлиги товарлар сотилмоқда. Шулар орасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам ўзининг обрў-эътиборига эга бўлиши керак. Учинчиси миллий пулимиз нуфузини янада мустаҳкамлаш, унинг дунёдаги обрў-эътиборини баландоқ билан эркин алмашувига эришмоқдир.

Дарҳақиқат, хусусийлаштириш — бозор иқтисодиётининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда бу тадбир ҳам босқичма-босқич рўйбга чиқарилмоқда. Унинг биринчи босқичи кичик хусусийлаштиришдан иборат бўлган бўлса, ҳозирда катта хусусийлаштириш, яъни иккинчи босқич бошланди. Учинчи босқичда эса аралаш иқтисодиёт барпо этилади. Инфляция — бозор иқтисодиётининг салбий ҳолатларидан эканлиги ҳаммага маълум. Бир мисол. Россия иқтисодиётида 1994 йилининг декабрь ойида бу 16,4 фоизни ташкил этди. Янги

ли. Бизнинг Ватанимиз, Президентимиз таъкидлаганидек, табиий ресурслари, ишлаб чиқариш салоҳияти, меҳнаткаш халқимизнинг саяёҳаракати тўғрисида нафақат Осиё давлатлари, қолаверса, Фарбий ва Шарқий Европа давлатлари орасида энг иқтисодий ривожланган давлатларнинг бирига айланади. Халқимиз 2010 йилга бориб 30 миллион кишига етади. Яъни миллий маҳсулот (ЯММ) эса 1994 йил нархи

8, 1990 йили 15 фоизга кўтарилди. Жаҳон савдосининг товарлар таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари, хомашё, материаллар ҳажми камайиб, аксинча, тайёр маҳсулотлар ҳажми ортиб бормоқда. Дунё бозорига 2010 йилда умумий ҳажмда бирламчи ишлов берилган маҳсулотлар салмоғи 20 фоизни, тайёр маҳсулотлар эса 80 фоизни ташкил этади. 1990 йили тўғридан-тўғри инвестициянинг умумий ҳажми бутун дунё бўйича 184

ҳоланки, шу давргача Японияда жамғарманинг бундай фоизига эришилгани йўқ эди. Ишчи кучи хусусида тўхталадики бўлса, бу борада Япония иқтисодиётида ўзига етарли резерв мавжуд. Бу муаммони ҳал этиш учун кўпроқ хотин-қизлар ва ёши улгайиб қолганларнинг меҳнатидан фойдаланилади. Шу билан бирга, иқтисодиётда структуравий ўзгаришлар, ташқи савдони кенгайтириш, хорижий ишчи кучидан фойдаланиш ҳисобига

тақасини шакллантириши кўзда тутилмоқда. Осиё минтақасида ҳам ўзгаришлар кузатилаётган бўлса, Осиё-Тинч океани худудидagi давлатлар иқтисодий кенгаши (АПЕК), собиқ иттифок республикалари асосида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ташкил этилгани бунинг исботидир. Ҳисоб-китоблар шунини кўрсатадики, 2010 йилга бориб 1990 йил нархида ички ялпи маҳсулот (ИЯМ) Европа гуруҳи бўйича 15 триллион долларни, америка гуруҳида 11, Осиё гуруҳида 12 триллион долларга етади.

Шунингдек, лозимки, бутун дунёда келажакда пул маблағларининг танқислиги рўй бериши кутилмоқда. Агарда жаҳондаги жамғариш фойдаси ҳозирги даражада қолдирилса, пул маблағларининг етишмаслиги 1,9 фоизни ташкил этиши ёки 17800 млрд. доллар бўлиши мумкин. Лекин халқнинг бахтига қуролсизланиш дари бошланмоқда ва бу жараёнда «тинчлик дивидентлари» ни кутиш бўлади. Чунки, 1990 йили дунё миқёсида қуролсизланишга 990 млрд. доллар сарфланган бўлиб, бу ялпи миллий маҳсулотнинг 4,3 фоизига тўғри келар эди. Мабодо ушбу харҷатлар ярмига қисқартирилса, қолган маблағлардан иқтисодий ёрдам учун фойдаланилса, бу ҳозир Япония ҳукумати ривожланаётган давлатларга кўрсатаётган кўмақдан ун маротаба ортиқ бўлади. Япониянинг бундай ёрдами эса унинг ялпи миллий маҳсулотининг (ЯММ) 0,3 фоизини ташкил этади, холос. Лекин, мазкур жараёнга реал кўз билан қаралса, дунёда ўз маблағларини чет элда ишлатаётган давлатлар кўп эмас. Чунки бундай сармояларга уларнинг ўзлари ҳам эҳтиж катта. Демак, кучли давлатларгина фақат инвестиция орқали Шарқий Европа, собиқ иттифокдан ажралиб чиққан мустақил мамлакатларни қўллаб-қувватлаб туриши, бу сармоялар эса табиати муҳофазат этиш, ёш давлатларнинг иқтисодини йўлга қўйиш мақсадларига сарфланishi мумкин.

Ш. ЗАЙНУТДИНОВ,  
иқтисод фанлари доктори,  
профессор.

УМУМИЙ БОЗОР САРМОЯ, ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ЭРКИН ҲАРАКАТИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

бекистонда эса ишлаб чиқаришнинг инфляцияга қараганда тезроқ ўсишини таъминлаш учун 1995 йилда уни ойига 5 фоиз атрофида пасайтиришга эришмоқ даркор.

Умуман, республикамизда бозор муносабатларини шакллантиришда дунё тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Далиллар истикболда жаҳон ишлаб чиқариши янада кенгайиб, унинг ҳажми ошиб боришини исботламоқда. Бу ҳол, энг аввало, халқнинг кўпайиши билан боғлиқ.

Ер юзиде 1990 йилда 5,3 миллиард одам истиқомат қилган бўлса, бу рақам 2010 йилда 7,2 миллиардга етиши мўлжалланмоқда. Шу даврга бориб ишлаётганларнинг сонини ҳам кўпаяди ва меҳнат унумдорлиги ошади. Дунёда миллий ялпи маҳсулот (МЯМ) ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилда 1,8 маротаба ўсади. Агарда 1990 йилда жаҳонда миллий ялпи маҳсулот (МЯМ) 23 триллион долларга тўғри келган бўлса, 2010 йилда 91 триллион долларга етади. Бу давр мобайнида энг юқори иқтисодий ўсиш Осиёнинг ривожланаётган давлатларида, яъни саноат мамлакатлари гуруҳида ва АСЕАН давлатларида сақланиб қолади. Ва у йилга 6 фоизни ташкил эта-

да қарийб 70 миллиард сўмин ташкил этади. Юқорида айтилганидек, мустақил Ўзбекистон дунёдаги кўплаб катта-кичик давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ўрнатмоқда. Сунги уч йил давомида, айниқса, АҚШ билан ҳамкорлик ривожланмоқда. Масалан, АҚШ билан товар айирбошлаш ҳажми 1992 йилга нисбатан бултўрт икки баробар ошди. АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида «Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида»ги ҳукуматлараро битим имзоланди. 1994 йил августдан бошлаб Ўзбекистон АҚШнинг «Эксим» банки заёмларига, унинг кредитларини кафолатлаш ва сугурта дастурига алоқадор мамлакатлар каторига киритилди. АҚШ маммурияти қарорига биноан Америка Президенти 1994 йил 17 август кунини мамлакат конгрессида Ўзбекистонга имтиёзлар бош системаси рухат этган маҳсулотларни божсиз АҚШга олиб кириш ҳуқуқи берилгани эълон қилди.

Ҳозирда жаҳонда 188 дан ортиқ давлат мавжуд. Улар ўртасидаги меҳнат тақсимо-ти ривожланиб бормоқда ва келажакда ҳам у интенсив ошиб боради. Ташқи савдонинг салмоғи 1960 йилда жаҳон МЯМда 7 фоизни ташкил этган бўлса, 1970 йили

млрд. долларни ёки умумий жаҳон экспортининг 4,4 фоизини, ялпи миллий маҳсулотнинг 0,8 фоизини ташкил этди. Ҳозирда бу рақам 160 миллиард долларга тўғри келди. Ушбу кўрсаткичлар дунё миқёсида жуда катта таассурот қолдирмасда, аммо ҳисоб-китобларга қараганда, 2010 йилда жаҳон иқтисодиётида фойдаланиладиган инвестицияларнинг баланслашган қолдиғи 15 триллион долларга етишини кўрсатади.

Шу давр мобайнида, айниқса, Япониянинг ҳўжа-лик ривожланиши дунё иқтисодиётига қараганда тез суръатлар билан ўсиб боради. Бироқ Япония иқтисодиётига таалуқли дунё ахборотида, шунингдек, жамғариш фойдасини камайиб бориши, ишчи кучининг етишмаслиги, илмий-техника тараққиётининг секинлашуви оид фикрлар ҳам йўқ эмас. Шунга қарамастан, Япония давлатининг иқтисодиётига ва ҳаётга эътибор берилса, ана шу фикрларнинг тўғри эмаслиги сезилиб қолмоқда. Агарда жамғариш тўғрисида тап борар экан, 1989-1990 йиллари ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, Японияда оилавий бюджет умумий даромадининг 25 фоизи жамғармага олиб қўлинган. Ва-

меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан ҳал этилади. Юқоридаги далилларга асосланган ҳолда Япония иқтисодий ўсишининг истиқболли бирмунча пастроқ, яъни 4,2 фоиз даражасида белгиланди. Бу кўрсаткич 20 йил олдинги ўсиш даражасидан пастроқ; ушундан ўртача 4,4 фоизни ташкил этган-ди.

Япония ички ялпи маҳсулотининг (ИЯМ) дунё иқтисодиётидаги улуши 1990 йилда 13 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 17,5 фоизга эришилади. Жон бошига ички ялпи маҳсулот 122 минг долларга етади. Бу тизимга АҚШдаги қараганда тахминан 80 фоиз юқоридир.

1992 йилдан бошлаб Европа умумий бозорини таркиб топтириш жараёни бошланди. Бу эса одамларни, товарларни, хизмат ва капиталнинг эркин ҳаракатини таъминламоқда. Ягона Европа иқтисодий маконини тузиш жараёни борасида иш олиб боришмоқда. Бу тизимга Марказий Европа давлатлари ҳам қўшилиш таруддини кўрмоқдалар. Америка ҳам бундай ишлардан холи эмас. Масалан, у Канада ва Мексика билан эркин савдо олиб бориш тўғрисида битимлар имзоланди. Шимолий Америка эркин савдо мин-

Ғалабанинг 50 йиллигига СОЙГУЗАРЛИК ЖАНГЧИНИНГ КўКРАГИДА МИНА ПАРЧАЛАРИ «ЮРГАНИ» ТўҒРИСИДА «АНТИҚА» СПРАВКА

Фуломжон 18 ёшга тўлганда армияга чақирилди, сапёрликнинг ипидан игнасигача ўрганди, бўлинмага командирлик қилди. Бирок...



Новгород шахри яқинида жанговар топшириқни аъло даражада адо этгани учун «Жасуралиги учун» медали билан тақдирланди.

Польша тупроғида гитлерчилар жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатардилар. Душман 8 та танк ёрдамида ҳужумга ўтиши маълум бўлиб қолди. Бу танкларни тўхта-тиш ва йўқ қилиш вазифаси ҳам Фуломжон бўлинмасига топширилди. Сапёрлар танклар келадиган йўлни миналаштириб, уларнинг келишини пойлаб ётадилар. Орадан кўп ўтмай олдиндаги танк миналари учраб занжирлари пачақланиб кетди. Сапёр-разведкачилар танк ичидан қочиб чиққан олти фашистнинг тўрттасини ағдардилар, иккитасини асир олдилар. Қолган танклар орқасига қайтиб кетди. Разведкачиларнинг кўкрагига учинчи даражада «Шуҳрат» ордени тақиб қўйилди. Кейинчалик улар иккинчи даражада «Шуҳрат» орденига ҳам сазовар бўлишди.

— Мен қатнашган жанглар орасида энг даҳшатлиси Берлин учун бўлди, — дейди Фуломжон. — 28-29 апрель кунлари эди. Қуроллардан ажал ўт ёғиларди. Йўлнинг чап томонидаги нуқтани йўқ қилишни мен зиммамга олдим. Туйунука 30-40 метрча қолганда бор кучим билан гранатани отдим...

Фуломжон Исмоиловнинг уйи Андижоннинг Сойгузариде. У қишлоқ шўросида ҳарбий стол бошлиғи, ҳисобчи вазибаларида ишлаб келди. Камтарликни қарангки, ўзи ҳарбий стол бошлиғи, туман ҳарбий комиссариати билан доим алоқадор бўлатуриб, бир неча йилгача нафақа олмаб юрган. Охири «сен урушда бўлганмисан?» дейишчи суриштириб қўлишганидан кейингина тўртта жанговар орденини ва бир қанча медалларини тақиб чиқиб, миная парчалари кўкрагига «юргани» тўғрисидаги справкани кўрсатган экан...

Муҳаммад РАҲИМ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЯНГИ КОДЕКСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномасининг 1995 йилги биринчи, иккинчи ва учинчи сонлари нашрдан чиқди. Уларда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси эълон қилинган.

Ахборотномаларни «Ўзбекистон почтаси» киоскаларидан сотиб олиш мумкин.

Жиноят жазосиз қолмайди

НИЯТИ АМАЛГА ОШМАДИ Андижон вилояти ички ишлар бошқармасида давлат автомобиль назорати ходимларининг сергаклиги тўғрисидаги бир гуруҳ жиноятчиларнинг ёвуз ниятлари амалга ошмай қолди...

Асака туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа ҳўжалиги худудига навбатчилик қилаётган ДАН ходимлари ичида тўрт йўловчи бўлган «Жигули» автомашинасини тўхтади. Милиция ходими машинага яқинлашар экан, кутилмаганда унинг орқа юкхонасидан «ёрдам беринглар!» деган овозни эшитди. Бундан чўчиган номаълум шахслар машинани тезлик билан ҳайдаб қочдилар. Лекин ДАН ходимларининг тезкор ҳаракатлари



Фуркат туманидаги Фуркат номи ширкатлар уюшмасига қарашли «Чилғижийда» ширкадаги тажрибали деҳқон Толибжон Отабоев бошдаги гуғуддан мўл ҳосил олиш учун ҳаракат қилишмоқда.

СУРАТДА: ширкатлар уюшмаси бошлиғи Толибжон Отабоев ўғли Зоиржон билан Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

Ҳўжаликда галлачиликни ривожлантиришга

Йўловчи КИЁФАСИДАГИ ГИЁХВАНД

Тожикистон фуқароси О. Ҳайдаров Денов туманидаги Сена қишлоғига келганида ўзини кўй оғзидан чўп олмайдиغان беозор қилиб кўрсатди, саломаликни ўрнига қўйди. Қайтишда ҳам ўзини худди шундай тутди.

Лекин у қишлоқдаги автобус бекатида чўққанида қўлидаги термос милиция ходимларининг диққатини тортди. Термос синчиқлаб текшириб қўрилганида, ундаги шиша идишга яхшилаб жойлаштирилган 518 грамм кўкнори шираси борлиги аниқланди.

Энди тожикистонлик «меҳмон»нинг қонун билан таъқиқланган бу моддани кимдан ва нима мақсадда олгани хусусида жа-

воб беришига тўғри келарди.

ОРЗУ ҚИЛГАН ЭМИШЛАР

Самарқандда вилоят ёшлар иттифоқи биноси олдан шў ташкилотга қарашли ГАЗ-24 маркали «Волга» автомашинаси олиб қочилди. Милиция ходимлари ўғрилган машинани тезда топиши ва уни олиб қочган кишини ушлашди. Машинани «Дўстлик» жамоа ҳўжалиги худудидаги Ҳўжасоат қишлоғида яшовчи Ч. ўғирлаган экан. Машина ўғриси ўзининг бу жиноий ҳаракатини «Кўпдан буён оқ «Волга» машинасини орзу қилардим», деб оқламоқчи бўлди. Суд машина ўғрисининг бу далилини тан олармикин? (ЎЗА).



АРМАНИСТОНГА 110 МИЛЛИАРД РУБЛЬ ҚАРЗ

Россия Федерацияси давлат думаси Арманистонга 110 миллиард рубль қарз бериш ҳақидаги битимни тасдиқлади.

Шу муносабат билан Арманистон Бош вазири Ваген Читечян ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай Арманистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Жорий йилда имзоланган савдо-сотик бўйича битим ҳам бунга мисолдир, деди журналистларнинг саволига жавоб қайтарар экан.

ЧЕГАРАДАГИ ҲАРБИЙ ТўқНАШУВЛАР

Эквадор ҳарбий маҳкамасининг тарқатган хабарига кўра, январь ойининг ўртасида бошланган Эквадор — Перу чегарасидаги ҳарбий тўқнашувларда Перунинг 27 нафар аскарини ўлдирган, 20 дан ортиғи ярадор қилинган.

Эквадор томонидан эса 4 аскар ўлган, 7 нафари жароҳат олган, 6 нафар аскар эса бедарак йўқолган.

АҚШ АСКАРЛАРИНИ АЛМАШТИРИШ УЧУН

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Гаитидаги АҚШ аскарларини алмаштириш учун ушбу мамлакатга 6000 нафар аскар ва 900 нафар полициячи юбориш ҳақида қарор қабул қилди.

Шунингдек, хавфсизлик кенгаши ушбу мамлакатда БМТ ваколатини яна олти ойга узайтиришга қарор қилди.

ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАРКИБИ ТўҒРИСИДАГИ ҚАРОР

Марокаш подшоҳи Ҳасан II янги ҳукумат таркибини тузиш ҳақида қарор қабул қилди.

Шунингдек у, мамлакат бош вазири ва ташқи ишлар вазири Абдуллатиф Филали ўз лавозимини сақлаб қолаверди, деди.

Ўтган йилнинг июнь ойида А. Филали раҳбарлигида тузилган ҳукумат таркибининг кўпчилиги қисми ҳеч бир партиёга аъзо эмас.

НАТО БОШ КОТИБИ ГЕРМАНИЯДА

Шимолий Атлантика иттифоқининг (НАТО) бош котиби Вилли Клаас Боннда Германия канцлери Хельмут Коль билан учрашди.

Учрашув чоғида НАТОни кенгайтириш масалалари, собиқ Югославиядаги вазият, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг фаолияти хусусида фикр юритилди.

ЮБИЛЕЙ НИШОНЛАНДИ

Ханойда Вьетнам Коммунистик партиясининг (ВКП) ташкил этилганига 65 йил тўлиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда ВКП Бош котиби До Мийо сўзга чиқиб, ленинизм принципларига ва улкан назарийчи Хо Ши Мин мафқурасига қатъий амал қилаётган компартиянинг йўли ойдин эканлиги ҳақида гапирди.

СУЛҲ БУЗИЛДИ

Босния серблари ҳарбий кўмондонлигининг хабарига кўра, тўрт ой давомида ўқ узмаслик тўғрисидаги имзоланган сулҳ муасамалар томонидан қўпол равишда бузилган.

Крупна-на-ун районида муслмон қўшинлари сербларга қарши ҳужум уюштириб, сезиларли талофат етказган.

ОЛИЙ МАҚОМДАГИ УЧРАШУВ

Қоҳирада Миср Президенти Ҳусни Муборак, Иордания қироли Ҳусайн Бен Талаа, Исроил Бош вазири Исҳок Рабин ва Фаластин Миллий Маъмурияти раҳбари Ёсур Арафот иштирокидаги тўрт томонлама олий учрашув ниҳоясига етди.

Томонлар Яқин Шарқ муаммосини бартараф этиш учун музокараларни давом эттираётганлигини ва мақсадлари минтақада тинчлик ўрнатиб эканлигини билдирди. Учрашув ниҳоясида тўрт томонлама баёнот қабул қилинди.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

ЮСИА ахборот маҳкамасининг хабар беришича, АҚШ билан Украина ўртасидаги авиақатнов 1 апрелдан бошлаб янада кенгайди.

АҚШ авиакомпанияларининг самолётлари Киев, Одесса, Львов, Днепрпетровск ва яна бир неча шаҳарларга қатнаши мумкин. Ўз навбатида эса Украина авиакомпаниялари Нью-Йорк, Вашингтон, Чикаго, Лос-Анжелосдан ташқари яна уч шаҳар билан авиақатновни йўлга қўйдилар.

ГРИПП ТАРҚАЛДИ

Россия Федерациясининг Амурбўйи худудига юқумли грипп касаллиги тарқалди.

Эпидемия, айниқса, болаларга тез таъсир кўрсатмоқда. Бунинг оқибатида бир кун ичида 1430 киши, жумладан, 715 мактаб ўқувчиси тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Аҳвол шў тарихда давом этса, мактаб ва болалар боғчаларини ёпиб қўйиш эҳтимоли йўқ эмас, дейилди хабарда.

ҚАЙТАРИБ БЕРДИ

1994 йилнинг октябрийда Исроил ва Иордания ўртасида имзоланган тинчлик шартномасига кўра, Исроил ҳукумати 1967 йилда босиб олган Аравна қўлларини Иорданияга қайтарди.

Икки давлат ўртасидаги чегараларни белгилаш тал-бири 10 февралда якунланди. Шундан сўнг Исроил қўшинлари бу худудни тарк этади.

• Мавзуга қайтиб

# БАЛИҚ БОШИДАН... ДЕЙИШАДИ

ёки «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунга Миробод туман ҳокимлигида ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссасдорлик компанияси тизимида қандай амал қилинаётгани хусусида

АГАР ДОД ДЕСАНГ,  
«ЖИННИ БЎПТИ»  
ДЕЙИШАДИ,  
ИНДАМАСАНГ,  
ҚЎЛИНГДАГИ ЖАВОБ  
ХАТИ ЧАЕНДАЙ ЧАҚАДИ

Ўзбек тилига Давлат мақоми беришнинг тўрт йиллиги арафасида, аниқроғи, 1994 йил 21 октябрь кун «Халқ сўзи»да Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги айрим ташкилот ва идораларда Қонун сўт бажарилаётганини танқид қилинган эди. Орадан уч ойдан зиёд вақт ўтди. Ҳўш, тегишли ташкилот ва идоралар танқиддан тўғри хулоса чиқардиларми? Мухбир ёзган камчишлар бартараф этилдими? Яқинда редакциямиз «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссасдорлик компанияси раҳбарларидан бири — А. Данаев имзоси билан қўйиладиган мазмунда жавоб хати келди.

«Рўзноманинг 21 октябрь, 1994 йилдаги сонидан: «Ранг кўр, ҳол сўр», сарлавҳали танқидий мақола «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссасдорлик компанияси ва Тошкент марказий темир йўл шохбекаси раҳбарияти томонидан кўриб чиқилди. Мақолада кўрсатилган далиллар қисман борлиги аниқланди...

...Марказий темир йўл шохбекаси мажмуидаги барча ёзувлар қайта кўриб чиқилиб, улардаги услубий хатолар бартараф этилди.

Жавоб хатидан қониқиб ҳосил қилмаган, шунчаки бир кузатувчи сифатида яна Миробод туманидаги кўчаларни айланамиз, марказий темир йўл шохбекасидаги «ўнгланган аҳвол» билан танишамиз. Шохбекатда деярли ўзгариш сезилмади. «Началник вокал» ёзуви хали ҳам ўз ўрнида эканлигини кўриб биров кўнглимиз хира тортади. Аниқроғи, бу ердаги аҳволдан эмас, жавоб хатидаги ёлгон сатрлардан ранжийимиз. Шундоқ шохбекат биқинидаги «Докоматив» меҳмонхонасига бош суқамиз.

— Ну, заходи, садись,— дейди меҳмонхона директори ўзини Нозим Ҳасановчи дея таништирдик. Газетаданлигини, «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қандай бажарилаётганини билан танишмоқчи эканлигини биланларидан сўнг, дастлабки муомилалар уэр сўраб, узоқ берган бўлади.

— Ну, анча-мунча ишлар қилинган, ёзувлар алмаштирилди.

Меҳмонхонага киришганимиз билан сизни чагиртувчи: «Уважасмее гострийне бою», «Парикмахерская», «Паятка уважасмее гостям» каби ўнлаб ёзувларни кўриб

қозиргина директор таъкидлаган ўзгаришлар шумикан, дегандек ҳайратланамиз. Директор хонаси ёнидаги лавҳага туширилган «халқлар доҳийси» Лениннинг тасвири ҳайратимизни оширади. Ҳаяжонимизни босиб ултурмасимиздан тасвир қаршисидаги ёзувларга кўзимиз тушади. «За культурное обслуживание», «Экран — соревнование между этажами».

Агар бу ерда дод десанг, сени жинни бўлибди, дейишди, дод демасанг қўлингдан турган жавоб хати чаендай чақади...

КўРАВЕРАГЧ, КЎНГИЛ ҲАМ ҚОТИБ ҚОЛКАН

Мақолада тилга олинган Тарас Шевченко кўчасидаги олди ойнаванд дўкон. Бу ердаги турли-туман ёзувларга боқиб «тўймайсан».

Тайёр кийимлар бўлимидаги малла ранг сотувчи аёлларга Давлат тилида ҳар қан-

ради: «Коммерческий магазин «Семург».

«ГИФКО» ЛТД МАС» УЛИЯТИ ЕЧКЛАНГАН...

Ушбу ажи-бужи сўзлардан бошланувчи фармойишни баки ҳокимнинг ўзлари — Валентин Чекарёв изоҳлаб берар...

Мақолада кўрсатилган «Дом быта Узбекистан» ёзуви хали ҳам ўз муқобилини тополмагани, кўчалардаги широрлар, турли хил ёзувларни Давлат тилига ўтириш борасида уч ой ичида деярли ҳеч иш қилинмагани бизни туман ҳокимлигидаги масъул кишилардан жавоб олишга ундайди.

Қабулхонада қотиба қиз билан ҳар биримиз ўзимизга таниш оҳангда саломлашамиз.

— Ассалому алайкум!  
— Добрий день.  
— Биз газетадан келувдик. Давлат тилида...

50 ёшлар чамасидаги киши биз ўтирган хонага бир назар солиб рўпардаги эшикка йўл олади.

— Ана ҳокимимизнинг ўзлари ҳам келдилар,— дейди Ф. Латипова.

Қабулга кирсақ нима дейсиз,— сўрайман қаршимда ўтирган ташкилий бўлим мудирининг муовини Шавкат Жавлоновдан. У «Мен олдин бир сўраб чиқайчи»,— дея ҳоким хонасига йўл олади. Бироздан кейин ҳоким кузуридан чиққан Ш. Жавлонов: «Валентин Александрович қабул қилолмас экан. Мухим ишлари бор шеклиди. Яхшилаб кузатиб юбораверинглар леги»— дея жавоб қилган бўлди...

Бўлимда давлат тили қай йўсида қўлланяётганилиги билан танишамиз.

— 1994 йил давомида ва ҳозирда расмийлаштирилган ҳамма ҳужжатлар давлат тилида юритилаяпти.

лаш мунособоти (?) билан... Умумий бўлимидаги аҳвол билан танишган, ён хонадаги девонхона ишларини ҳам кўздан кечириш мақсадида, хона тўрида ўтирган жувонга мурожаат этамиз.

— Кечирасиз, биз газетадан келувдик, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши билан танишаётгандик.

— Не поняла,— дейди ҳалиги жувон.

— Мен мухбирман, ўзбек тилини ўрганиш юзасидан нималар қилинган?

— У нас дружный коллектив, мы все друг-другу помогаем,— дея девонхона ишлари хусусида ҳисобот бера кетди (афтидан жувон ўзбек сўзини ўзбеклар билан иш-лаш деб тушинди шеклиди).

Давлат тилида сўзимиз ўлмагач, тилимизни бураб бўлса-да суҳбатимизга тушунарли мурожаат қилишга мажбур бўламиз.

— Мақсадингизни ўзбек тилида айтганингиздаёқ тушунганим. Фақат кўчадаги трамвай овози билан, қулоғимга бошқачароқ эшитилди. Давлат тилини ўрганаёلمиз, «ҳаммаси яқин, секин-секин» дея ҳазил аралаш жавоб қайтарди умумий бўлим ходимаси Наталья Облельванна.

— Ҳокимиятга келаётган хатлар, бу ердан жўнатилаётган турли хил қоғозлар, ҳужжатлар, жавоб хатларини қайд этувчи дафтарларни кўздан кечиришимиз. Афсуски,



Марҳамат туманидаги Охунбобоев номли насчилик жамоа ҳўжалигида асосан зотли қорамоллар парварни қилинади. Ҳўжаликда меҳнатқашлар турмуш фаровонлигини оширишга, кам даромадли оилаларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор берилаетир. Ҳўжалик иқтисодини юксалтириш жамоа аъзоларининг тирич ва фаровон турмуш кечиринларига шароит яратиш мутахассисларининг бош мақсадларига айланган.

СУРАТДА: бош ҳисобчи Мухаммадjon Абдороров, Ҳўжалик бошқаруви раиси Йўлдошхўжа Махмудов, бригада бошлиғи Райимжон Ҳасанов, иқтисодчи Рустамжон Ҳомидов, муҳандис Қобилжон Мирзажон, бригада етакчиси Қодиржон Бозорбоевлар шу йилги режаларга хусусида суҳбатлашганимизда.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сура.

## ЗОРА, ҚАРИНДОШЛАРИМНИ ТОПСАМ

Тақдир инсонларни не қўйга соймайди, дейсиз. Мен ҳам ана шу тақдир деб аталмиш «харчпалак» гирдобда қалбим қўйган, қариндош-уруғ меҳрига зор бир аёлман.

Болалик чоғимда ота-онамни йўқотиб қўйдим. Кўча-қуйда сарсон-саргардон бўлиб юрган кунларим-

нинг бирида мени, Хоразмдаги болалар уйига олиб келишди. Гарчанд исми-шарифим Ҳосият Бўриева бўлса-да, Султонпошша дея янги исм қўйишди, фамилиям Ражабова деб, расмийлаштирилди. Шу-шу ота-онамни, қариндош-уруғларимни қайта қўрлоқмадим. Ота-она меҳрига зор бўлиб вояга етдим.

Бугунги кунда «Халқ сўзи» газетаси оммавийлашиб бораётганилиги тўғрисида сизларга мурожаат қилайман. Зора сизлар сабабини бўлиб, қариндош-уруғларимни топсам.

Султонпошша РАЖАБОВА, Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Аназ Утар номидаги жамоа ҳўжалиги, 7-бригада.

# ХАЛҚ СЎЗИ - ҲАҚ СЎЗ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ - ХАЛҚМИЗНИНГ ИЗЗАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ

— Сейчас, его нет. Позже будет,— дея, ҳоким хонасига ишора қилади қотиба.

— Ҳоким бўлмасе у кишининг ёрдамчилари ҳам бўлаверди, деган ниятда рўпардаги эшикка юзланамиз. Туман ҳокимининг ёрдамчиси Феруза Латиповага бир нечта саволлар билан мурожаат этамиз.

— «Халқ сўзи»нинг 21 октябрь сонидан «Ранг кўр, ҳол сўр» сарлавҳали мақола-ни ўқитганингиз?

— Йўқ, нимайди,— дейди у киши ҳайратланиб. Қўларига «Халқ сўзи»нинг сонини тутқазамиз. Тўртинчи бетда дея қўшиб қўямиз. У киши ўш дақиқада мақолани ўқиб чиқардилар, осонгина жавоб қайтардилар.

— Ҳокимиятга тегишли ҳеч гап йўқ-ку?

— Ҳокимиятга давлат тилини амалга оширувчи комиссия иши билан танишсак.

— Тил комиссиясининг раиси ҳам, масъул қотиб ҳам касалхонада. Кейинроқ бир телефон қиларсизлар.

Начора, ҳаммадми ҳам иссиқ жонмиз.

Шу пайт сочларига оқ оралаган, қотмадан келган,

ти,— дейди у.

Туман ҳокими имзо чекдан фармойишлар билан бирма-бир танишган бўламиз. Ҳар бир ҳужжат тагида ҳоким В. А. Чекарёвнинг имзоси. Фармойишларни ўқиб, ўта соддалаштирилган «ўзбек тили»га дўч келганидан ҳайратланаман киши.

Туман ҳокими Валентин Александровичнинг имлоси бироз ғализтирилган пушаймон ҳам бўлсан. Келинг яхшиши, ҳоким имлосига ўзингиз баҳо қўя қолинг.

1994 йил 15-декабр. 291-фармойиш

«ГифФКО» ЛТД мас»улияти (?) ечкланган (?) жамиятининг таклифини (?)...

5. (5 банд) — изоҳ Ш. К.) «ГифФКО» ЛТД мас»улияти (?) ечкланган жамияти 3-ой (?) мобайнида ер майдонини ўзлаштириш масаласи еки лойиҳадан четга чиқасалар (?) ушбу фармойиш (?) тўғрисида оғохлантирилсинлар...

1994 йил 22 декабр. 296-фармойиш

Туман муниципал милициясига ажратилган маблағларнинг эзлиги (?) ва декабрь ойи учун иш ҳақи тў-

бирор оғиз ҳам Давлат тилидаги жумлани учратолмайсиз.

Яна жувонга мурожаат қиламиз: — Кечирасиз ҳокимиятга ўзбек тилида хат келди оғиле, унинг мазмунини тушу-ри, ўз, тегишли бўлимларга ўтказишда қийналмайсизми?

— Нега энди, қийналамиз. Ўзбек қизларидан ёрдам сўрайман.

— Давлат тилини ўргатадиган курсларга қатнасангиз тезда ўзлаштириб оласиз-ку?

— Ҳафсада йўқ...

Ҳокимият биносидан узоқлашганимиз сари, туманининг катта кичик кўчаларида кўп қаватли уйлар тепасида 80-йилларда ўрнатилган турли хил мазмундаги ёзувлар, широрлар, ҳалигача ўзгармаганлиги, умуман туманда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида Давлат тилини тарғиб қилиш, ўқитиш борасидаги ишлар Қонунда кўзда тутилган 8 йиллик муддатнинг яримдан кўпи ўтса ҳамки, ҳалигача ўлла-жўлда эканлигининг асосий сабаби ойдинлашган бори.

Шодиёр КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

• Луқма

## ҚАНИ ЎША РАҲБАРЛАР 4-5 КИЛОМЕТРГА ПИЁДА ЮРИБ БОРСИНЛАРЧИ

9-10 ой давомида бормаган идорамиз, учрамаган масъул ходимлар дегарди қоламоқ, шу бонс аҳирири сизларга ушбу мактубни йўллашга мажбур бўдик.

Гап шундаки биз истиқомат қилаётган Андижон шаҳрининг шимолий саноат даҳасида «Истиклол-1» ҳиссасдорлик жамияти, Андижон курилиш материаллари бирлашмаси, 27-автобус саройи, таксопарк, 2508-автоколонна, «Кооптранс» автобазаси, мебель қойилган ва шунга ўхшаш бир қанча корхона ва ташкилотлар жойлашган. Даҳада 6 мингдан ортиқ аҳоли ишайди. Ана шу одамларнинг дегарди барчаси ҳар кун «Коммуна» маҳалласидан 4-5 км. масофани пиёда босиб ўтишга мажбур. Айниқса, эрталаб болалар мактабга, қариялар, болалар аёллар бозор-учарга қатнашга қолаверса, кишилар ўз иш жойларига вақтида етиб олишга жуда қийналашапти.

Чуноки, «Обьедхоз-Автокомбинат» йўналиши бўйича қатнайдиган битта автобусдан бошқа транспорт йўқ. У ҳам мунтазам юриб турса қоқийди. Терғайлган одам бўлмагач, ҳайдовчилар қўлтига ёққан пайтда келди, бўлмасе йўқ. Шу бонс одамлар ҳар кун соатлаб транспорт кўтиб, хуноби ошапти.

Ушбу масъала юзасидан вилоят автотрестига ва нуфузли ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилдик, натижа бўлмади.

Йўловчиларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда релакциялар аралашуви билан ўтган йили аҳвол бироз ўнглангандай эди. Лекин, аҳолининг қувончи узоққа чўзилмади.

Бу нима, кўз бўлмадиликми, ёки одамларни менсимасликми? Балки, вақтинчалик расмиятчилик учун қилинган ишдир.

Энди умидимиз сиз, газета ходимларидан. Зора, «Халқ сўзи»нинг аралашуви билан, транспорт масаласи бўйича шўғулланувчи масъул раҳбарлар арз-доимизга кулоқ солишса...

«Коммуна» маҳалласида яшовчиларимиздан: А. Турдиев, А. Қурбонова, В. Яхина, М. Тўхтасинов. Жами: 47 имзо.

## • Мададталаб хатлар

### БИР КЕЛИБ КЕТИНГ

Денов шаҳридаги 220-уйда 1967 йилдан буён истиқомат қиламан. Уйда яшаш учун олдий широрлар ҳам йўқ, ҳовли сатхи чиқилди сувлар билан тўлиб-тўшиб кетган. Ёзинг иссиқ қўнларидан эса ичимлик сув толомлайман.

Ҳовлида водопольов крани бор, лекин сув келмайди. Шаҳар сув таъминоти идорасига, шаҳар ҳокимиятига, меҳнатқашларнинг кўма қолонна бошлиғига бу ҳақда айтилди, бироқ, ҳеч қим билга ёрдам бермади. Ҳокимият бу уй билга қарши эмас, деса, 280-ПМК бошлиғи А. Эшпешёв: «Бу уй хусусийлаштирилган, менинг бу уйга алоқам йўқ»,— дейди. Қизик, кимга ар қилиш керак? Махсус ажратилган жойга уч-тўрт кўча аҳолиси, ахлат тўқали. Лекин ахлат олиб кетилмайди. Ҳар хил чиқинди сувларни ташлайдиган чўқур бор канализация трубуларни ўтказилмаган. Август ойида трубулар олиб келинган эди (канализация учун), лекин ушга трубулар ҳамон марказий канализацияга уланмапти. Бу ҳақда ҳокимият билди, аммо нимадар индилайди. Ҳозирку қиш, лекин ана иссиқ қўнлар бошланса, ҳар хил қўқумли касалликлар чиқиб, аҳолининг нима бўларкин?

Ҳамма умидимиз сизлардан. Мухбирлар юборсангиз балки бирор натижа бўларкинми?

Шароф Рашидов қўчаси, 220-уйда яшовчи: Ф. Солиқова, Ж. Топибова, М. Очлов, Н. Ўрихорова ва бошқалар. (Жами 20 имзо).

### НИМА, ФОРИШДАН БОШҚА ЖОЙДА ТЎСИҚЛАР ЙЎҚМИ?

Республикамиз қишлоқлари аҳоли ховалдонлигини таъминлаш режаси амалга оширилган бир пайтда бизнинг Форш туманидаги Илоич, Сайёб ва Осмоний қишлоқларида бу муҳим иш пайсалда қолмади.

Бунга, бугунги бозор иқтисодиётига Ушш даридаги камчиликлар сабаб бўлаётган эмиш. Лекин бу тўсиқлар ҳамма ерда бор-ку? Ниблилармон, табиркор раҳбарлар бўлиди муаммоларни ҳал этишмайпти-ку? Энг қизиги, туман марказида газ шў қишлоқлардан ўтган.

Агар қишлоқ аҳолиси газ билан таъминланмаса табиати анча зиён қилдириши мумкин. Бунга, бугунги кунда қишлоқ аҳоли йўл ексидилиги тўғрисида келиб, ушш қишлоқда. Нима ҳам қилсин? Қумир сотиб олишга қудрати етмас?

Қишлоқлар тоғ бағрида жойлашганини учун бу ёқларга ҳеч қим кумир олиб келмайди. Аҳвол шу йўсида кетаверса, сулим боллар, манзарани дарахтар қириниб битили-ку?

Миршариф АҲМЕДОВ, Жиззах вилояти, Форш туманидаги Илоич қишлоқи.

## • Бизга ёзадилар

### ҚЎҚОНЛИКЛАРИНИНГ ТИШИ ОҒРИМАЙДИГАН БЎЛДИ

Қўқон шаҳрининг Навбахор кўчасида янги шифо маскани ишга тушиди. Ҳозирча Фаргона вилоятида ягона бўлган ушбу саломатлик фирмасини қўқонлик етакчи тиб даволочи мутахассислар — ака-ука Махмуджон ва Аъзамжон Зиёвуддиновлар овдаси очди.

Бу ҳайрли ишда уларга шаҳар ҳокимлиги, кўзи оқизлар ва кар-соқовлар ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари жамоалари беминнат ёрдам бердилар. Мазкур шифо маскани кўнига 100 нафар беморни қабул қилиш имкониятига эга. Фирманинг яна бир қудайлиги шундаки, керакли дори-дармонларни шу ердаги дорихонанинг ўзидан харид қилиш мумкин.

Фирма бошлиғи А. Зиёвуддиновнинг эътирофича, шифохонада уруш қатнашчилари ва фахрийларига имтиёзли тарзда хизмат кўрсатилади.

А. ИСОМИДИНОВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

## • Мактубларда эл дарди

### ҲУРМАТСИЗЛИК ЭМАСМИ?

Биз оила аъзоларимиз билан деҳқон ҳўжалиги ташкил этишга аҳд қилдик. Чуноки оиламизда ишчи кучи етарли. Ҳисоблаб кўрсак, 5 гектар ерда бемалол турли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришимиз мумкин экан.

Шу мақсадда ўтган йилнинг охирида «Хумор» ширкатлар уюшмаси раиси Ш. Шукуровга, қишлоқ фуқаролар йилгини раиси Х. Қурбоновларга мурожаат қилдим. Улар аризамага ҳам йўқ, ҳўқ ҳам демай, гапга солавердишди. Натижа бўлавермагач, туман ҳокимига ариза бердим. Аммо бу аризам ҳам сувга тушган тошдек йўқ бўлиб кетди.

Одам ҳалоол меҳнат қилиб, ўзимга ҳам, эл-юртга ҳам манфаат келтирай деса-ю унга қўмак бериш ўрнига йўлтигав бўлишса, алам қиларкан. Бу ҳаётбахш қарорларга менсимай қараш, олдий меҳнатқашга ҳурматсизлик эмасми?

Абдурауф ХУДОЕВОВ, Пахтачи туманидаги «Хумор» ширкатлар уюшмаси.

### ҚИШЛОҒИМИЗДА ЎЗГАРИШ БЎЛАДИМИ?

Гузор туманидаги Охунбобоев номли жамоа ширкат ҳўжалигининг раиси Абдуразақ Мейлиқулов билан суҳбатлашганда ҳўжаликнинг узоқ қишлоғи Жонбулоқ аҳолисининг қорамол, қўй-эчкилари экинларни пайҳон қилаётганини бир неча марта эшитганмиз.

Хўш, нега экинзорга мол тушапти? Аввало гаиллачилик, пахтачилик бригадалари раҳбарлари, ижарачилар ўш шаҳсий молларини экинзордан ҳайдаб чиқармайди. Бунга бошқалар кўргач, улар ҳам чорвасини қўшиб қўядиган бўлишди. Ҳўза гуллашдан, то ерлар ҳосилдан тозалангунча ичидан мол чиқарди. Натижада гапга, пахта, сабзавот-полди етиштириш режаси бажарилмади. Ўтган йили ҳам шундай бўлди.

Шунинг учун ҳам ҳўжаликда яшовчиларнинг моддий аҳолисини яхшилаш учун жиддий иш қилинапти. Ширкат ҳўжалиги давлатдан қарздор. Ташиб келтирилатган

сув, балонли газ ҳам қиммат.

Қишлоқда бирон кичик корхона қурилмаган. Беморларга дори-дармон топиламан. Дўкон эса дам олиш кунлари очилмайди, бошқа кунлари ҳам кечқурун 2-3 соат очик бўлади, холос.

Шунингдек биз йиллаб кино кўрмаймиз, 3-4 ойлаб ҳаммомга тушмаймиз, чуноки шароит йўқ. Пахтадан бўшаган ерлар ҳайдаб бўлинди. Аммо бирор тонна ҳам маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмади. Кўчалар қишда лой, ёзда тиза бўйи тупроқ бўлади...

Йўлдош МАЛЛАЕВ.

### ЙЎЛ АЗОБИ — ГЎР АЗОБИ

Ушбу номани сизларга «Чиқмаган жондан — умид» деган мақола амал қилиб ёзмақдамиз. Бизлар гарчанд Тошкент вилоятининг Оққўрган туманида яшаб тураек-да, қариндош-уруғларимиз қўшни Сирдарё вилоятининг турли туманларида истиқомат қилишди. Тўй ва маракаларга бориш, бир-биримизнинг ҳол-аҳолимиздан хабар олиш учун ҳўжалигимиз ҳудудидан ўтган «Оққўрган-Гулистон», «Бука-Сирдарё» ҳамда «Бука-Гулистон» йўналиши бўйича қатновчи автобуслардан фойдаланар эдик. Минг афсуски сўнги пайтда ушбу йўналишда қатновчи автобуслар қорасини кўрсатмай қўйди.

Сабабини сўрасангиз минг бир баҳонани рўқач қилишди. Оқибатда умримиз йўлда сарғайиб, ўтқинчи машиналарга қўл силкиб ўтиб кетаяпти. «Йўл азоби — гўр азоби», деган нақл хўп топиб айтилганлигини ўзимиз тўғрчи бўлиб турибмиз. Ушбу арзимиз газета юзини зора кўрсая Оққўрган ва Гулистон автокорхоналарининг раҳбарлари шу иккала туман орасида қатновчи автобус йўналишини яна йўлга қўйсалар!

Агар бунинг иложи бўлмаса, У ҳолда қўйиладигача таклифимиз бор: Оққўрган ва Сайхунбод туман автокорхонаси раҳбарлари ўзаро келишиб, Оққўрган туманидаги Султон

Сегизбоев номли ҳўжалик марказидан-Сайхунбод тумани «Гулистон» ширкатлар уюшмаси марказига қатновчи автобус йўналишини очсалар халқнинг дуосини олган бўлар эдилар.

Ушбу ишга мутасадди бўлган ўртоқлар халқнинг ҳақли талабига нима деб жавоб бера эканлар?

Кўччилик йўловчилар номидан: М. РУСТАМОВ, Х. ЖАЙНАРОВ, З. БИРОХИМОВА, А. МИРЗАЕВА, Б. УРИНБОВЕВ.

Табиат қўриқчилари

ТОҒЛАР ЭҒАСИ

Бахмал тоғларига бу йил қор қалин тушди. Юз йиллик арчаларнинг залворди юкдан қадди букилди. Мажмуотлар булоқларга бош эгиб қолди. Тошдан-тошга урилиб оқувчи шўхчан сойлар оҳанги бир зум тингандай, ўзанлар музлаб, сувлар қирғоққа тошган. Асрларга сирдош баланд чўққилар нуруний отахонлардек вазмин сукутда.

Қиш уйқусига чўмган она табиатнинг бундай манзаралари ҳеч қимми лоқайд қолдирмайди. Ҳамма тоғдан қишлоққа кўчиб тушган. Арчалар қўйнидаги дам олиш масканлари ёпилган. Дараларда чўпонлар ҳам кўринмайди.

Фақат бир касб эгалари борки, улар йил-ун икки ой тиним билмайди. Уларни «егерлар», яъни тоғ қоровулари дейишади. Утмишда эса «тобети» деб аташган. Қаранг, қандай чиройли ном. Тобети тоғлар эгаси, тўғрироғи тоғлар салтанатининг, табиат мулкнинг ҳоқони, деган маънони билдиради. Шунинг ўзиёқ тобегиллик нечоғли шарафли касб эканини аниқлаб турибди.

Бахмал ўрмон қўжалигида бундай ўз касбига фидойи тобегилар жуда кўп. Уларга тоғу-тошлар, арчалар, сойлар, доривор ғиёҳлар ўсувчи адирлар тақсимлаб берилган. Аёли қиш кунларида ҳам тобегилар энг ишончли транспорт ҳисобланган отларига миниб ўз худудларида қўриқчилик қилишмоқда. Улар нима ва қимдан қўриқлашади? Албатта, биринчи талда она табиати, унинг қўйнидаги барча бойликларни, ўт-ўланларни, парранда-дарандаларни саёқ «сайёҳ»лардан, жамоат чорасидан, турли зараркундалардан асрашади. Шу боис, тобегиларни ҳақли равишда табиат қўриқчилари десак ҳақ бўлмайди.

Райим Аҳмедов шундай қуюнчак, заҳматқар, жасоратли тобегилардан бири. Ун йилдирки, унинг тасарруфига қўшни Тожикистонга тушиб кетган Оққепан, Оқтош, Теракли сойлари берилган. Бу сойлар худудига юзлаб гектар кўп йиллик арчалар, ўрмонлар, теракзорлар, доривор ғиёҳларга бой тоғ ўнгирлари, ўтлоқлар, лалми галлазорлар мавжуд. Яна бу ер-

ларга айиқлар, кийиклар, алқорлар, бўрилар, минглаб турдаги қанотли «дўстлар» макон қуришган.

Райим ака табиат бойликларини қўриқлабгина қолмай, уни кўпайтиради ҳам. Соё буйидаги кунгай тепаликларга таллаб минглаб туп ёнғоқ, бодом, ўрик, pista, терак ўтқази.

Айниқса, ёз ойларида тобегиларга кеча-кундуз тинимсиз иш топилди. «Теракли» пансионати дам олувчиларга тўлиб кетади. Бундан ташқари республикамизнинг барча вилоятларидан табиат шайдо-лари бу ерларга оилавий дам олишга келишадилар. Бундай кезларда Райим аканинг Камолдин, Собир, Хайрулла каби фарзандлари отларда сойма-соё юриб ҳордиқ чиқарувчиларни олов ёқришдан, дов-дарахларни синдиришдан, шипа майдалашдан, ўт-ўланларни пайхон қилишдан, соё сувларига мева-сабзавот қолдиқларини ташлаб йсроф қилмасликдан оғохлантирадилар. Бу қоидаларга риоя қилмаганларга жазима соладилар, баъзида айрим «эрка-тойларни» тоғдан ҳайдаб юборишга ҳам тўғри келади.

Райим акани эса гўё штаб бошлиғи дейсиз. У баланд тоғ тўшпагида кафтдеккина текисликка қурилган уйда, осмон-ўнлар тераклар сояндаги сўрида дурбин билан узоқ-узоқларни кузатиб туради. Шарофат онанинг ҳам иши бошидан охиб кетади. Нон ёпади, овқат пиширади, кунита-кунора қувишиб сариёғ олади, курт қилади. Ҳамма нарса оиланинг ўзидан чиқади, ҳафтасига кўй сўйилади, сабзавот-полиздан тортиб қўқатларгача бўлоқ сувда етиштиришади. Ахир оила ҳам кичкина эмас-да, келди-кетди билан ташқари ўн тўрт жон бир қозондан овқат ейди. Ўн икки фарзанд, ўттиз невар, ота-она қувончига ҳам, таш-

вишга ҳам шерик. Ҳатто энг кичик Фаррух, Аббос, Сарвар, Дилнозалар ҳам тоғни бир зум тарк этишмайди. Райим ака бу жажжи неварларига мурғак ёшидаёқ табиатни севишни, асраб-авайлашни ўргатади.

Қишда эса оила галласини йиғиштириб, молини ҳайлаб, кўч-кўронини ортиб Михтепа этакларидаги Уйлиқма қишлоғига кўчиб тушади. Чунки қиш кунларида бу баланд тоғларга ҳар қандай транспортда келиб бўлмайди. Райим аканинг эса кўнгли хотиржам эмас, юрагининг бир парчаси шу тоғларда қолгандай. Отига миниб тез-тез ҳабар олади. Мана, яқинда номатўл одамлар бир неча теракни кесиб кетишибди. Элчилик-да, ҳар нарса бўларкан, бир қишлоқда яшаб биров табиати асраш учун жон куйдирса, бошқиси унга озор беради. Райим ака ана шу тераклар учун катта жарима тўлади, ҳатто сал қолди ишдан кетишга. Ўрмон хўжакаби раҳбарлари жўжабирдай жонлигини ҳисобга олдим, ҳайтовур ишда қолдиришди. Тўғри-да, бундайларнинг қалбига етиш керак. Чарчаш нимага бундай табиат бойлигини бойлик қўшаётган, уни минглаб одамларнинг дам олишга хизмат қилдираётган, уларга тоза ҳаво, тоза сув улашгаётган бундай тобегиларни эъзозлашимиз керак.

— Кекаларнинг айтишича тоғлардаги бултурдан қолган қорлар бу йилгис билан туташса, элда тотувлик, фаровонлик, экин-тигинда ҳосилдорлик бўларкан, — дейди ўйчан оҳанг тобегимиз.

Дарҳақиқат, Бахмал тоғлари ўнгирларида бултур парчаларидай сақланиб қолган бултурги қор қолдиқлари устига янғиси ёғди. Қалин қор эмас, эл-ўрт насбаси, ризқи ёғди. Бу қорлар эса беадл сув манбаидир. Сув деганимиз — ҳаёт.

Буларнинг бари тобегиларнинг қувонч манбаидир. Ширин ташвишлар оғушида унга ҳамшира омад тилаймиз. Залворли тоғлар ўз қўриқчиларини ҳамшира қўласин, деймиз.

Ҳайитбой НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Сурхондарё вилоят саломатлик маркази Семашко номидаги илмий-тадқиқот институтининг вилоят бўлими маконини олди. Энди бу ерда йилгига уч минг нафардан зиёд турли соҳа ишчи-хизматчилари ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкам-лашади. Муолажада минерал сув, уқалаш, электрокардиология, лазер билан даволаш усуллари қўлланилаётгани яхши самара берапти. СУРАТДА: шифохона мутахассислари кенгаши пайти. И. ХўЖАЕВ олган сурат.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ОЛДИДАН

Пойтахтимиздаги «Алпомиш» спорт саройида фигуралар учин бўйича мамлакат чемпионати ўтказилди. Биринчи қонкида учин усталари учун келгуси ойнинг бошида Германиянинг Бирменгем шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионати баҳслари олдида ўзига хос кўрик вазифасини ўтади.

Эраклар ўртасида яккалик баҳсларида Ойбек Ҳисматов биринчи ўринни эгаллади. Аёллар ўртасида Осиё кубоги баҳсларининг икки қарра қумуш медали соҳиби, қитъа чемпионатида бронза билан тақдирланган Татьяна Малининанинг голиб чиқишига мусобақа олдида ҳеч қим шубҳа қилмагани. Бирок Татьяна айни дамларда Перворальскда жаҳон чемпионатида жиддий тайёргарлик кўраётгани боис республи-

ка биринчилигида қатнашолмади. Ижтимоийдан фойдаланган Светлана Дерябина Ўзбекистон чемпионлигини кўлга киритди. Рақс жуфтлиги бўйича Динора Нурбоева янги ҳамроҳи Андрей Пиминов билан, спортча фигуралар учини жуфтликлар баҳсида Полина Де ҳамроҳи Евгений Свиридов билан голиб чиқишди. Мамлакат чемпионатида, айниқса, Ольга Слободова

— Дмитрий Белик ёшлар жуфтликнинг чиқишлари мухлислар эътиборини тортди. Маълумки, бу жуфтликнинг Венгрияда ўтказилган ўсирилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг қумуш медали соҳиби бўлишганди. Улар республика чемпионатида ҳам муваффақиятли қатнашишди. Энди бу жуфтликнинг Венгрияда ўтказилган ўсирилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг қумуш медали соҳиби бўлишганди. Улар республика чемпионатида ҳам муваффақиятли қатнашишди. Энди бу жуфтликнинг Венгрияда ўтказилган ўсирилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг қумуш медали соҳиби бўлишганди. Улар республика чемпионатида ҳам муваффақиятли қатнашишди. Энди бу жуфтликнинг Венгрияда ўтказилган ўсирилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг қумуш медали соҳиби бўлишганди.

«ОЛТИН БУТСА» ЎЗ СОҲИБИНИ ТОПДИ

Футбол бўйича жаҳон чемпионатларидан сўнг ҳар гал тўп урарлар учун махсус соврин — «Олтин бутса» топширилар эди. АКШ-94 жаҳон чемпионатида эса бу соврин учун бир йўлга икки футболчи — россиялик Иер Саленко ва болгариялик Христо Стоичков 6 талдан тўп киритишиб, давоғарлик қилишди. Натижда, соврин «ўз эгасини топмай», берилмасдан қолганди.

Яқинда ушбу соврин ўз эгасини топди. У Олег Саленкога nasib эди. Лиссабонда ўтказилган голибларни тақдирлаш маросимида Олегта «Олтин бутса», йилнинг энг яхши футболчиси деб топилган бразилиялик Ромариога эса «Бриллиант тўп», энг яхши дарвозабон учун биринчи марта таъсис этилган Лев Яшин соврини белгиялик Мишель Прюдомга топширилди.

Р. ЭРМУХАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

ФТДК фундаментал тадқиқотлар фонди 1995 йил фундаментал тадқиқотлар соҳасидаги лойиҳалар танловини эълон қилади.

Танловдан мақсад фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги ва ўзига хос ишларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Танлов шартлари, лойиҳаларни топшириш ва расмийлаштириш қоидалари билан Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Солиқни сақлаш вазирлиги, ФТДК қўшничи бўлими.

Танловда иштирок этиш учун аризалар 1995 йилнинг 1 дан 15 февралгача Ўзбекистон Республикаси ФТДК биносида ҳар кун (шанба ва яшанбадан ташқари) соат 14.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Фонднинг почта манзили: 700017, Тошкент ш., Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 29-уй, «ФТФ танлови».

Эълон қилинган муддатдан кейин юборилган ёки қонда бўйича расмийлаштирилмаган лойиҳалар танловга қўйилмайди.

Маълумот учун телефон: 39-11-50.

«Зенит» техник савдо маркази нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қўйидаги маҳсулотларни сотади.

Фрезерлик дастгоҳи, ёвоғча ишлов берадиган, ТСК-25, пойвандаш аппаратлари, УПС зарядка қурилмаси, тиббиёт шкафлари, электр чархлар, металл эшиклар, сервировка столлари, телевизор ости ўриндиқлари, шкубаторлар, маккажўхори қовурғичлари, темир арралайдиган қўларра арраси, сантехника йиғмаси, динамик головкалар, АКГВ.

Манзилимиз: 700060, Чехов кўчаси 10, «Ойбек» метро бекати. Телефон: 54-26-52.

«Ўзбектуризм» МК саёхатлар маркази сизни Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия, Хитой, Таиланд, Германия ва бошқа давлатларга саёхатга таклиф қилади.

Телефон: 44-12-90, 44-05-62, 44-18-98. Манзилимиз: Тошкент-11, Навоий кўчаси, 69а. «Пахтакор» метро бекати (бинонинг чап қаноти, 5, 8, 10-хоналар).

ТАШКИЛОТ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ЮВИЛМАГАН ЖУН ҚАБУЛ ҚИЛАДИ: Ингичка меринос Тиник ярим дағал Ангор эчкиси жуни

Жун (ингичка меринос, тиник ярим дағал ва ангор нави) етиштирувчи хўжаликлар билан 1995 йил мавсуми учун 50 фоиз ҳақини олдиндан тўлаш шарти билан шартнома тузишимиз мумкин. Пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади. Мавоза усулини қўллаш мумкин. Маълумот учун телефонлар: 33-13-78, 32-30-37.



ДИҚҚАТ ЯНГИЛИКЛАР! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМГАРМА БАНКИ ТОМОНИДАН «КАПИТАЛ» ВА «КАПИТАЛ-ЛЮКС» ОМОНАТЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

«Капитал» ва «Капитал-Люкс» омонатлари бўйича даромад ҳар ойда 9%дан тўланади ва бу фоизлардан Сиз тўлиқ ҳисоб-китоб қилинади.

«Капитал» омонати 1 йил муддатта очилади ва энг кам микдори 1000 сўм. Бу омонат бўйича фоизларни 1 йил давомида олиб ишлатмасангиз Сиз 180%дан юқори даромад оласиз.

«Капитал-Люкс» омонати 6 ой муддатта очилади ва энг кам микдори 3000 сўм. Бу омонат бўйича Сиз жорий ой учун фоизларни олдиндан олиб фойдаланишингиз ва истаган микдорингиздаги қўшимча пулни қўйишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни Жамгарма банкининг исталган муассасасидан ёки қўйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 45-66-43, 33-51-95.

«КАПИТАЛ» ВА «КАПИТАЛ-ЛЮКС» ОМОНАТЛАРИ — БУ СИЗНИНГ ДАРОМАДИНГИЗ!

«Ўзбексавдо» — давлат уюшмаси бошқаруви «Фарғонасавдо» ишлаб-чиқариш концерни расиси Эминжон Аҳмедовга оғнаси Мария АБДУЛАХАТОВАнинг вафот этганини муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси, республика телевидениесининг жамоати студия бош ражиссёри Д. Курбоновага оғнаси Шарифа ШОҲИЖАЕВанинг вафоти муносабати билан чўқур таззия изҳор қилади.

Тошкент Ким-технология институты имамурити, Фундаментал фанлар факультети жамоати ва «Ким»-технологиянинг илмий-тадқиқот кафедраси аъзолари шу кафедра ўқитувчиси Гулом Шомонова падари Бузурукери Зоҳид ШОМОНОВНИнг вафот этганини муносабати билан чўқур таззия изҳор этилади.

«Умевасабавотузуувиновот» уюшмаси раҳбарияти ва жамоати уюшманинг масъул ходими Р. Аббасга раҳматини билдириб, вафот этганини муносабати билан таззия изҳор қилади.

Акционерлик жамияти шаклидаги «Отель Ўзбекистон» йиқ турдаги Ўзбек-Малайзия қўшма корхонаси ташкил топиш муносабати билан «Ўзбекистон» ташки иктисодий туристик ишлаб-чиқариш комплекси тугатилди. Барча даъволар эълон газетлада чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Телефон: 33-77-86.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БУНАҚАСИ

ОТНИНГ НАРХИ ЖИГУЛИГА ТЕНГЛАШИДИ

Тоғли Қорабоғда отнинг қадрини ошириб, баҳоси «Жигули» автомашинасига тенглашади.

Ҳозир бозордан унисиниям, бунисиниям 200 долларга олса бўлади. Эшак эса икки баравар арзон. Тоғларда ҳашак бисёр, ҳам текин. Шу боис ҳайвонларни боқишга имкон бор. Аммо, бензин анқонинг уруғи, топиб кўрингчи.

ЖАЖЖИ «ЛОМОНОСОВ»

Тўрт ёшли Серёжа Елусковни Красноуфимск туманидаги Ключки қишлоқ кутубхонаси ходимлари жажжи «Ломоносов» дейишади.

У ҳар куни онаси, тоғо акаси билан кутубхонага боради, соатлаб эртақларни ўқийди. «Пионер» журналин олиб бошқотқиларини ечади. Серёжа биринчи синф алифбосини ўтган йили ўзлаштирган эди. Ёзишни чап қўлида болайди.

ЧИННИ «КЕНЕДДИ»НИНГ ВОЗОРИ ЧАҚҚОН

Инглиз ишбилармони Крис Фир чиннидан Жон Кенеддининг ҳайкалчаларини ясашни йўлга қўйганини, ҳозирча иши барибдан келяпти.

Яқинда Фир АҚШ фирмаларидан бири билан шартнома тўзди. Энди унинг бор-йўғи 20 сантиметрлик ҳайкалчалари Америка бозорига донаси 150 доллардан сотилади. Крис Фир вақтлар Буюк Британиянинг Вашингтондаги элчихонасида матбуот котиби бўлиб ишлаган эди. Унинг айтишича ўша пайтлари бир марта собиқ президент билан қўл бериб кўришган экан. Фир беш-олти йил ичида 42 нафар Америка собиқ президентларининг чинни ҳайкалларини ясаб АҚШ бозорига чиқариш ниятида.

201 КҮН ОВҚАТСИЗ

Бомбей яқинидаги Жейллик руҳоний Саҳобжунис ярим йил мобайнида сувдан бошқа нарса истеъмол қилмади.

У бор йўғи 37 кило озди. Шифокорларнинг айтишича қараганда танаси заррача ўзгармабди, боз устига онги яна тиниқлашибди. У ўтган йили ана шу машғулоти бошлангандан олдин: «Тиббиёт одамлар қалбини эмас, танасини даволайди, мен қалбимни ғўбордан ҳалос этиш ниятида маълум муддат овқатдан тийилдим», деганди.

У ДУНЁДАН ҚАЙТДИ

Каменск-Уральск шаҳридаги қариялар уйида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа рўй берди.

Хизматчи аёл кампирлардан бирини ювинтираётган эди. Вақтинча бўш қолган кроватга бошқа кампир ётиб олди. Хизматчи ҳаммомдан чиққан кампирни бўш ўринга ётқизиб, устини ёпиб кетди. Тўсатдан қариялардан бири бандаликни бажо келтирди. Ўлим ҳақидаги қайдани кампирларнинг фамилиясига қараб эмас, ётган жойига қараб ёзиб юборишади. Бир неча кундан сўнг меҳнат таътилидан қайтган палата шифокори тирик кампирни ўлдига чиқаришга истаган ажабланди. Сўнгра шаҳар ЗАГС бўлимидагилар муддатидан олдин дафн этилган қарияни яна ёруғ дунёга қайтаришларига тўғри келди.

ЎЗИНИ ЕРДА КЎРДИ

Нотаниш йўловчи ерда чалқанча ётганча талончилик қилмасликка сўз берди.

Днепропетровсклик Светлана П. талаба. Кунлар қисқалигидан у ҳар кунни ўқишдан қайтаётганида қоронғи тушиб қолаётди. Қўлида тилла узук, соат, қулоғида ҳам қимматбаҳо тақинчоқларни кўрган барзанги автобусда: «Олдириб қўйишдан қўрмайсаним», — деб сўраб қолди. «Ҳаёлимга ҳам келмайди», — мағрур жавоб берди қиз. «Йўлингни тўсишсачи?» — яна сўради. «Беманъилик, мабодо шундай бўлсам овоз чиқармайман», — деди тагин қиз. Кимсасиз бекатда икковларни тушишди. Автобус жилиши заҳоти барзанги қиздан тақинчоқларни ечишни талаб қилди. Светлана ростдан ҳам доллардади. Фақат «Ия» деганча тумшугига бир мушт тушириганди, йигит ўзини ерда кўрди.

ИТНИ АФЗАЛ БИЛДИ

Паневежеслик навирон жувон ит боқайтганини рўқач қилиб ўлданди воз кечани бир зумда бутун Литвага тарқатди.

24 ёшли аёл зотли итларни кўпайтириб, боласини хорихга сотиш билан машғул. Шу боис унинг ўз чақалоғига қарашга сира вақти йўқ эмиш. Иқтисодий қийинчиликлар туфайли ўз жигаргўшасидан юз ўтириш ҳолати учраб турарди. Аммо бунанқаси ҳали бўлмаганди.

Халқ Сўзи Народное Слово. Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев. БУЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодиёт 32-36-65; Маълумот 32-35-60; Аxbорот 32-29-89; Тўғри муҳарририят 33-10-28. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Худойбер. Навбатчи — У. Ғоиймов.